

Шамсиева Барнохон Бахромходжаевна
ТДШИ таянч докторанти

“ТРАНСФЕР” ТУШУНЧАСИ, “МАДАНИЯТ ТРАНСФЕРИ”НИНГ ИЛМИЙ МУОМАЛАГА КИРИТИЛИШИ ВА УНИНГ ТАРЖИМАШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ

Сўнгги йилларда деярли ҳар бир соҳада қўлланилаётган “трансфер” атамаси асли лотин тилидан олинган бўлиб, “кўчирмоқ, ўтказмоқ” каби маъноларни англатади. “Кембридж изоҳли луғати”да “бирор нарса ёки кимсанинг бошқа жойга, вазиятга, гуруҳга кўчиши¹”, деб изоҳ берилади.

Тадқиқотчи Й. Ужаревич ўзининг “*В поисках литературного трансфера*” мақоласида “трансфер” атамасига энг содда таърифни бериб ўтади. Унингча, мақсад қилинган объект (таржима, ўтказишлар)нинг бир нуқтадан иккинчисига қандайдир восита орқали кўчиши бўлиб, одатда бу ҳодиса биринчи нуқтага тегишли бўлади². Яъни трансфер бу А нуқтадан Б нуқтага борадиган ҳодиса бўлиб, улар орасида восита борлигини ҳам таъкидлаб ўтилади. Ушбу сўз соҳалараро энг кенг тарқалган атамалардан бири сифатида, сайёҳлик, банк амалиётлари, тиббиёт, спорт, тарих, боғбончилик каби соҳаларда қўлланилиши билан бир қаторда адабиётшунослик, таржимашунослик йўналишларида ҳам бу атама билан боғлиқ қатор илмий ишлар қилинмоқда. Аксар соҳаларда “трансфер” атамасини “ўтказиш”, “кўчиш” сўзларига синоним сифатида ишлатилишини кузатдик. Японияда чоп этилган “Маданиятлараро мулоқот масаласи” (異文化コミュニケーション) номли илмий мақолалар тўпламида трансфер атамасига “иккита тилнинг алоқа олами, иккита тилдан бирининг бошқасига таъсири кучлилигини, бошқасининг таъсирини ўзига сингдираётганига айтилади” деб таъриф берилади³.

1980 йилларда олмон ва француз филологлари томонидан Генрих Гейненинг Францияда сақланаётган қўлёзмаларини ўрганиш асносида «маданият трансфери» лабораториясига асос солинди⁴. Чунки, Франциядаги

¹ Cambridge Advanced Learner’s Dictionary & Thesaurus © Cambridge University Press,

http://dictionary.cambridge.org/dictionary/british/transfer_1?q=transfer

² Загидуллина М. Международная научная конференция “Трансфер”// «НЛО» 2011, №107,

<http://magazines.russ.ru/nlo/2011/107/za53.html>

³ 西田ひろ子. 異文化間コミュニケーション入門. SOGENSHA, 2000. –P. 12.

⁴ Дмитриева Е.Е. Теория культурного трансфера и ее отношения к цивилизационно-культурному пограничью// Цивилизационно-культурное пограничье как генератор становления мировой культуры. – Москва, 2012. – №7. – С. 19.

мавжуд бўлган олмон маданияти ва фалсафаси тўқнашувини ўрганиш олим ва тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотган эди. Францияда яшаб ижод қилган олмониялик яҳудий Гейне феномени Француз интеллектуал тарихининг ажралмас қисми ҳисобланиб, янги методга ўзига ҳос туртки бериб, қатор муаммолар устида ўйлантириб қўйди. Лаборатория фаолияти бошланғич босқичида «маданий трансфер»га олмон файласуфларининг улуши муҳим бўлиб, улар олмон фалсафасининг Францияга таъсирини ўрганишгани муҳим аҳамият касб этди. Лаборатория билан ҳамкорликда иш олиб борган тарихчилар миграция саволлари устида ишлашган, бунда улар инсонларнинг кўчиши эмас, балки ғоялар, асарлар «кўчишини» назарда тутишган.

1990 йилларда «маданият трансфери» ўз сахнини янада кенгайтириб Марказий ҳамда Шарқий Европа давлатларининг ўзаро сиёсий ва маданий алоқаларини ўргана бошлади. Ушбу услубнинг самарали натижаси унинг ижтимоий соҳалар, жумладан, тарих, меъморчилик, санъат тарихи каби қатор фанларда ҳам тадқиқот мавзуи сифатида танланди. Маданият трансфери назарияси асосчиси М.Эспаннинг таъкидлашича ҳам, “маданият трансфери” атамаси иқтисодий, демографик, психологик, ва хаттоки интеллектуал тадқиқотларда ҳам қўлланилиши мумкин⁵. Унинг фикрича, маданий ареалга бағишланган илмий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш маданиятнинг ҳаракат механизмини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Маданият трансфери назариясида асос бўлган маданият элементларининг таржима қилинган асар маданияти томонидан қандай қабул қилиниши, уни янги маданиятда қандай қурилгани, қабул қилувчи маданиятга мослашиши қизиқтиради ва ўрганилади. Е. Е. Бразговскаянинг таъкидлашича, бошқа маданият матнидаги ҳар қандай белги албатта изоҳни ва семантик кодни талаб қилади⁶.

Маданият трансфери назариясини ўрганишда унинг асосчилари М. Эспань ва М. Вернерларнинг илмий асарлари муҳим ўрин тутди. 1996йилда рус олимларининг ҳам лабораториясига келиб қўшилиши «маданият трансфери»нинг географик жихатдан янада кенгайтишига олиб келди. Рус олимларидан Е. Дмитриеванинг М. Эспань билан ҳамкорликдаги ишлари, И. Лагутина, Д. Лобачёва, И. Федорованинг илмий ишларида қиёсий методга таяниб илмий мақолалар чоп этилган⁷.

⁵Espagne M. Les transferts culturels franco-allemands. Paris, 1999. – P. 1.

⁶Бразговская Е. Е. Текст в пространстве культуры: Sny. Ogrody. Serenite. Ярослава Ивашкевича / Перм. гос. пед. Ун-т. Пермь, 2001. – С. 6.

⁷ Дмитриева Е. Е., Эспань М. Литературный пантеон : национальный и зарубежный. Материалы российско-французского коллоквиума. – М: Наследие, 1999; Лобачёва Д.В. Культурный трансфер: определение, структура, роль в системе литературных взаимодействий// Вестник ТГПУ.2010. Выпуск 8(98) . –С. 14.

2013йил Самарқандда ўтказилган «Культурный трансфер на перекрестках Центральной Азии: до, во время и после Великого Шелкового пути» деб номланган, Мишель Эспань бошчилигидаги халқаро илмий анжуман Ўзбекистонда ҳам ушбу мавзуни кенгроқ ўрганилишига маълум даражада йўл очди.

Бугунга келиб, маданият трансфери ҳақидаги турли хил таъриф, ёндашувлар мавжуд, лекин ушбу тадқиқотнинг асосида маданият ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларни, етказиш ва қабул қилиш жараёни таҳлили, ўзга маданиятни рецепция ва интерпретация жараёнларини ўрганиш тадқиқотчиларни умумий бир йўлда бирлаштиради. М. Эспаннинг таърифлашича, маданият трансфери – бу таржима демакдир, чунки у бир коддан бошқасига ўтишни тақозо қилади⁸. Биз эса маданият трансфери тушунчасига қуйидагича таъриф берамиз, яъни маданият трансфери бу – бир миллатнинг турмуш тарзи, ўй-кечинмалари, моддий ва маънавий маданиятининг бошқа бир миллат тилида маънонинг “силжиши”ни акс эттириши демакдир.

Маданият трансфери динамик жараёндир. Хелга Миттербауэрнинг ёндашувига кўра, ушбу жараён уч қисмни ўз ичига олади:

I. Асос бўлган маданият. Бу ерда шу маданиятга оид матнлар, дискурслар ва бошқа объектлар таҳлил қилинади;

II. Воситачилик ўрни. Бунда жонли ва жонсиз объектлар воситачи сифатида иштирок этиши мумкин. Масалан, савдогарлар, олимлар, таржимонлар, университет ва ҳ.к.

III. Мақсад қилинган маданият. Ушбу босқичда эътибор маркази таржима матни ёки бирор асарнинг танлов усули, мослашиш ва ўзлаштириш шаклларига қаратилади⁹.

Динамик жараённинг ушбу учта қисми ўзаро бир-бирига боғлиқдир ва уларнинг бири-бирисиз маданият трансфери мавжуд эмас.

Маданият трансфери назариясида асос бўлган маданият унсурларининг таржима қилинган асар маданиятида шундайлигича намоён бўлиши эмас, балки, уни янги маданиятда қандай қурилгани, унинг қабул қилувчи маданиятга мослашиши қизиқтиради ва ўрганилади.

Тарихчи олим У. Биттерли эса маданиятлараро мулоқотнинг 4 хил моделини ажратган:

1. Маданий тегиш (Kulturberührung)

⁸Федорова И.К. Кинотекст в инокультурной среде: к проблеме построения моделей культурных переносов// Российская зарубежная филология, 2011. 1(13). – С. 63.

⁹ Лобачёва Д.В., Культурный трансфер: определение, структура, роль в системе литературных взаимодействий// Вестник ТГПУ.2010. Выпуск 8(98). – С. 24.

2. Маданий алоқа (Kulturkontakt)
3. Маданий тўқнашув (Kulturzusammenstoß)
4. Маданий чатишув (Kulturverflechtung)¹⁰.

Юқоридаги моделларга қўшимча қилиб, адабиётшунос олима И.Н. Лагутина ўз тадқиқотини “маданий чорраҳа” модели асосида ўрганади. Унга кўра, матнда маданиятлар кесишиб, умумлашган ҳолда маъно касб этади.

Юқорида маданият тушунчасига берилган таърифда тадқиқотчи Ху Венжонгнинг гуруҳлаштиришни асос қилиб тадқиқотчи Ян Жоу маданият трансферини икки турга ажратади: юза қатламли трансфер ва чуқур қатламли трансфер. Юза қатламли трансферга биринчи ва иккинчи гуруҳ маданиятини мисол қилади, чунки бу маданиятни тушуниш ҳис қилиш ва таржимада бериши нисбатан осонроқ кечади. Учинчи гуруҳдаги руҳий ҳолатларнинг таржимада берилиши ҳам мураккаблик туғдиргани учун бу гуруҳни чуқур қатламли трансфер деб номлайди¹¹.

П. Антони ўзининг “Translation and Text Transfer: an essay on the principles of intercultural communication” номли монографиясида таржима матни ва трансфернинг фарқини ҳамда ўзаро боғлиқ тарафлари ҳақида фикр юритади. Унинг таъкидлашича, инглиз тилидаги “translation(таржима)” ҳамда “transfer” сўзлари лотин тилидаги “translatus”(“transfere” феълининг ўтган замон шакли) сўздан келиб чиққан бўлиб, “олиб ўтиш, кўчириш” маъноларини англатар экан. Ушбу сўзларнинг бир ўзакдан ҳосил бўлганини билдириб, ўзаро фарқи ҳақида қуйидагича фикрни илгари суради: “таржима – бу жавобгарлик, трансфер эса қайта тақдим этишдир”¹².

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, маданият трансфери қиёсий метод асосида тадқиқ қилинар экан, уни ўрганишда тил материаллари, матн шаклидаги турли хил манбалар жалб қилиниши табиий ҳол. Булар сирасига асл матн, таржима матни, бадиий ва публицистик, тарихий ва бошқа манбалар киради.

Демак, маданият трансфери назарияси тушунчаси бу ҳам кўчма маънода, ҳам тўғри маънодаги таржима назарияси ва тарихи билан боғлиқдир. Чунки ҳар бир маданий феноменни қабул қилиниши, бу ўз маданий тилига таржимаси бўлиб, бунда қабул қилувчи маданиятга ҳам таъсир этади, ва албатта, таъсир қилувчи маданият ҳақидаги тасаввурлар ҳам асли каби бўлмайди.

¹⁰Ўша манба. –Б. 24.

¹¹ Лобачёва Д.В., Культурный трансфер: определение, структура, роль в системе литературных взаимодействий// Вестник ТГПУ.2010. Выпуск 8(98). – С. 24.

¹² Pym Anthony. Translation and Text Transfer: an essay on the principles of intercultural communication. – Tarragona: InterculturalStudiesGroup, 2010. –P. 17.

Таржима – тиллараро коммуникация ҳаракатидир. Таржимада фақатгина тиллар алоқаси эмас, балки тилларга оид икки маданиятнинг ҳам тегишидир¹³. Асар таржима қилингандан сўнг, асл матн ва таржима матнини солиштириб, камида иккита маданият ўртасидаги “қоришма”ни ифода этганини гувоҳи бўламиз. Бу ерда таржима маданиятлараро кўприк вазифасини ўтайди. Матн таржимаси трансферида маданиятларни ажратиш эмас, балки уни туташтириш ёки алмашув ҳолатлари қизиқтириди. Айнан мана шу ҳолатлар маданият трансферининг таржимашунослик учун дастлабки ва энг асосий шарт ҳисобланади. Шу сабабдан, таржима назарияси маданият трансферининг содир бўлиши жараёни, матнда маданиятларни кесишуви нуқталарини ўрганеди.

Маданиятни аниқлаш ва белгилаш каби масалалар одатда таржима назариясидан ташқарида ўрганилса ҳам, уларнинг ечими таржима тадқиқотларининг ижтимоий фанларга қўшган асосий ҳиссаси бўлиши мумкин¹⁴. Чунки таржимон ўз ишига киришишдан аввал, таржима қилиниши лозим бўлган тил маданияти, унинг тарихи билан танишиб чиқади. Ва маданиятлар ўртасидаги ўзаро чегара ва фарқларини аниқлаш учун яна таржималардан фойдаланиши мумкин. Бу эса қайсидир маънода таржимасиз маданият трансфери шаклланмайди деган ҳулосага олиб келади.

М.Эспань ва М. Вернерлар ўз тадқиқотларида маданият трансфери ҳар доим адаптация ва ассимиляцияни қамраб олади, деб таъкидлашади¹⁵. Француз олими Мишель Эспань раҳбарлигидаги маданиятларнинг ўзаро таъсирини ўрганиб келаётган “Маданият трансфери” илмий лабораториясида уч томонлама (олмон-француз-рус) ёки тўрт томонлама (олмон-француз-рус-итальян) маданиятлараро таъсирни ўрганиш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Бунда фақатгина бир маданиятнинг таъсири, кўчиши ҳақида эмас, балки тадқиқот асоси қилиб олинган давлатларнинг ўзаро маданий таъсири, кўчиши (истилолар, бадий асарлар муҳим ўрин тутди) каби мураккаб механизмлар ўрганилади¹⁶.

Бадий адабиёт таржимасида ҳам асл матн тили маданияти ҳамда таржима бўлаётган тил маданиятидан ташқари яна бошқа миллатларнинг ҳам маданиятлари қоришганига гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бадий таржима матнида бу ҳолатни ўрганиш учун икки турга ажратдик:

¹³Бреус Е.В., Основы теории и практики перевода с русского языка на английский: 3-изд. – М.: Изд-во УРАО, 2011. – С. 6.

¹⁴Pym Anthony. Translation and Text Transfer: an essay on the principles of intercultural communication. – Tarragona: Intercultural Studies Group, 2010. – P. 15.

¹⁵Thomas Adam, Social Housing Reform and Intercultural Transfer in the Transatlantic world before World War I, http://c.ymcdn.com/sites/www.istr.org/resource/resmgr/working_papers_barcelona/adam.pdf

¹⁶Қаранг: Лагутина И.Н. Россия и Германия на перекрестке культур: культурный трансфер в системе русско-немецких литературных взаимодействий конца XVIII-первой трети XX века. – М.: Наука, 2008. – С. 8.

1. Асл матнда келган чет тилига оид сўзларнинг таржимасида;
2. Асл матн тилидаги сўз таржимасида яна бошқа маданият белгисининг киритилишида.

Масалан, Нацумэ Сосекининг “Қалб” асарида келган 職人[shokunin] сўзи таржима матнида “мастеровойлар” деб таржима қилингани ёки аслиятдаги “マンオブミーンズ(man of means)” сўзини “ўткир дидли қишлоқи азамат” деб берилгани “уч маданиятли трансфер” йўналишида таҳлил қилишга асос бўлади¹⁷.

Гарчи таржимашунослик соҳасидаги тадқиқотларда маданият нуқтаи назаридан “миллий колорит” билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса-да, асл матн миллат маданиятининг таржима матнига ўгирилганда ундаги ғоялар ва белгилар, тушунчаларда маъно “силжиши”нинг рўй бериши, у ҳақидаги тасаввурлар таржима матнида қандай амалга оширилганини маданият трансфери назарияси ўрганеди. Ва албатта, бу услубдаги тадқиқотда таржимон воситачи вазифасини бажаради. Яна шуни таъкидлаш жоизки, лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинаётган таржима матнига “натижа” сифатида қаралиб, унинг хато ва камчиликлари ҳақида эмас балки, бадий матнга “кўчган” сўзнинг хусусиятлари ўрганилади. Бу ҳақида Гёте ҳам таъкидлайдики, таржимоннинг камчиликлари ҳақида қандай мулоҳазалар айтилганидан қатъи назар, унинг меҳнати бутун оламни бирлаштириш йўлида бажарилган энг муҳим ва энг асосий иш бўлиб қолади¹⁸.

Миллий адабиёт бошқа миллат адабиётига ҳам таъсир ўтказиб, коммуникатив мулоқотни таъминлайди. Адабиётлар ўзаро мулоқотга киришганда бири иккинчисининг ривожига ҳисса қўшади. Ушбу ўзаро мулоқотнинг давомийлигини эса таржима матни таъминлайди¹⁹.

“Трансфер” атамасини ўрганиш жараёнида, уни турли соҳаларда қўлланилишига гувоҳи бўлдик. Булар ичида кийим ёрлиғида инглиз тилида ёзилган “the color may transfer” жумласи эътиборимизни тортди. Сўзма-сўз таржима қилсак, “ранг кўчиши мумкин”, яъни кийимни ювиш жараёнида ранги бошқа кийимга ўтиши мумкин деган маънони англатади. Масалан, кийим ювиш жараёнида кўк рангли кийимнинг ранги оқ рангли кийимга юқиб қолса, оқ рангдаги кийим аслини йўқотиб, бошқа янги ранг тусини олади. Бу ҳолатдан сўнг, бир қарашда уни оқ деб ҳам, кўк деб ҳам атаб бўлмайди. Тадқиқотимиз

¹⁷ Изох: “Уч маданиятли трансфер” масаласи тадқиқотимизнинг учинчи бобида мисоллар орқали батафсил ёритилади.

¹⁸ Қаранг: Х. Дўстмуҳаммедов. Шариф Толибов таржималари ва мавзу масалалари// Таржимашуносликка доир тадқиқотлар. – Тошкент, 1975. – Б. 36.

¹⁹ Лагутина И.Н. Россия и Германия на перекрестке культур: Культурный трансфер в системе русско-немецких литературных взаимодействий конца XVIII- первой трети XX века. – М.: Наука, 2008. – С. 3.

мавзуси бўлган маданият трансферида ҳам шунга ўхшаш ҳодисани кузатишимиз мумкин. Бир тил маданияти бошқа бир тилга таржима қилинганда, маданиятнинг “силжиши” содир бўлади. Ва маданиятга оид бўлган сўз бошқа бир тилга таржима қилинганда, таржима тилидаги маданиятига оид бошқа ассоциация билан қабул қилинади. Унинг асл матндаги маъноси таржима матнида ўз вазифасини ўзгартириши мумкин.

Бадий матннинг трансфер бўлиши – маълум бир ғояларнинг бегона маданият майдонига “кўчиши”, бадий матннинг янги ҳаёти, янги муҳит шароитидан келиб чиқиб мослашишини ва шунда ҳам ўзининг ўзлигини сақлаб қолиши таржимашуносликда маданият трансфери назариясининг асосини ташкил қилади.

Шундай хулосага келишимиз мумкинки, трансфер ва таржима маълум ва номаълум белгилар ўртасидаги семиотик масофада фаолият юрғазади. П. Антонининг фикрига кўра, агар материал трансфер бўлмаганда эди, агар матнлар вақт бўйлаб ва макон оша ташилмаганда эди, бирорта ҳам таржима бўлмас эди²⁰.

²⁰ Pym Anthony, Translation and Text Transfer: an essay on the principles of intercultural communication, Tarragona: Intercultural Studies Group, 2010. – P. 17.